

## Ўзбекистон Республикаси номидан

### Ҳ У К М

2025 йил 30 июль куни, жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман суди, Қўштепа тумани 1-сон ҳуқуқ-тартибот маскани биносидан, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Р.Арапов, А.Толиповнинг котиблигида, Қўштепа туман прокурори ёрдамчиси С.Қурбонов ва судланувчи Б.Тургуновнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан Б.Тургуновга нисбатан 1-1512-2501/171-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Тургунов Бахтиёр Кадинович, 1971 йил 10 октябрь куни Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 3 нафар фарзандлари бор, Қўштепа тумани “Файз” маъсулияти чекланган жамияти ишчиси, муқаддам судланмаган, Марғилон шаҳар, Саховат м.ф.й., Б.Марғилоний кўчаси, 53/10-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 3 июль куни олган.

Суд судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, прокурорнинг музокара сўзини, судланувчининг музокара, химоя ва охириги сўзларини тинглаб, ишдаги далилларни ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И

Тургунов Бахтиёр озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,82 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўз ёнида ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

2025 йил 28 май куни, Қўштепа туман ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан холислар иштирокида ўтказилган кўздан кечириш жараёнида, Б.Тургунов Қўштепа тумани, Янгидўкон маҳалласида тўхтатилиб, унинг ёни холислар иштирокида текширилағнида чап чўнтагида озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,82 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келаётгани аниқланиб далилий ашё тариқасида олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2025 йил 30 майдаги 1013-сонли хулосасида, Б.Тургуновни чўнтагидан аниқланган, жигар рангли, юмшоқ пресланган, ўзига хос хидли, ёпишқоқ ҳолдаги модда таркибида фаол гиёҳванд модда “тетрагидроканнабинол” мавжуд бўлиб, ушбу модда “гашиш” деб



аталувчи гиёҳвандлик воситалар туркумига кириши ва унинг соф оғирлиги 0,82 граммни ташкил этиши қайд этилган.

Судланувчи Б.Тургунов судда, эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, 2025 йил 28 май куни соат 12ларда яшаш хонадонидан чиқиб Қўштепа тумани, Қумтепа маҳалласида жойлашган “Файз” номли кийим-кечак бозорига келаётиб Қўштепа тумани, Янгидўкон маҳалласига етиб келганида, ИИБ ходимлари уни тўхтатишиб, ўзларини таништиришиб, икки нафар холисларни иштирокида ундан ёнида жиноятга алоқадар нарса ва тақиқланган буюмлар ҳамда гиёҳвандлик моддалар бор ёки йўқлигини сўрашганида шимини чап чўнтагида бўлган, ўзи истеъмол қилиши учун сақлаб келаётган тўқ жигар рангли “гашиш” моддасини уларга тақдим қилгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари ва холислар билан бирга профилактика инспекторининг хизмат хонасига киргани ва шу ерда холислар иштирокида “гашиш”ни далилий ашё тариқасида олишиб, оқ қоғоз конвертга солишиб, ИИБ мухри билан мухрлашиб, электрон тарозида тортиб кўришганида 0,82 грамм экани аниқлангани, сўнг тегишли тартибда хужжатлар расмийлаштирилиб иштирокчилар томонидан имзолангани, ёнида аниқланган ўзи тақдим қилган “гашиш” гиёҳвандлик моддасини Қумтепа маҳалласидаги зовурлар четида чиқиб қолган наша ўсимлиги баргларида териб олиб яшаш хонадонидан ўзи тайёрлагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Б.Тургуновнинг айби унинг иқрорлик кўрсатуvidан ташқари қуйидаги далиллар, жумладан:

- гувоҳ С.Нуриддиновнинг судда, 2025 йил 28 май куни соат тахминан 12:15да ИИБ ходимлари уни чақиришиб, ўзларини таништиришиб, Б.Тургуновнинг ёнини кўздан кечиришда холис бўлиб иштирок этишга таклиф қилишганида рози бўлгани, ўздан ташқари А.Валиев ҳам холис бўлгани, шунда ходимлар Тургунов Бахтиёрни Қўштепа тумани, Янгидўкон маҳалласида тўхтатиб, ёнида тақиқланган нарсалар бор ёки йўқлигини сўрашганида ўзи истеъмол қилиш мақсадида олиб юрган “гашиш” гиёҳвандлик моддаси борлигини айтиб ходимларга тақдим қилгани, шундан сўнг хаммалари шу ердаги профилактика инспекторининг хизмат хонасига киришгани. ўша ерда ходимлар Б.Тургунов тақдим қилган тўқ жигар рангли “гашиш” гиёҳвандлик моддасини хужжат расмийлаштириб олиб, оқ қоғоз пакетга солиб, ИИБ мухри билан мухрлаб, электрон тарозида тортиб кўришганида 0,82 грамм экани маълум бўлгани, шундан сўнг расмийлаштирилган хужжатлар иштирокчилар томонидан имзолангани ҳақидаги;

- гувоҳ А.Валиевни судда, гувоҳ С.Нуриддиновнинг кўрсатувини тўлиқ тасдиқлаши ҳақидаги кўрсатувлари;

- шунингдек, далилий ашёни олиш ва далилий ашёни тортиб олиш баённомалари, суд-кимёвий экспертизаси хулосаси ва бошқа далиллар билан тўлиқ исботланади.

Судланувчи Б.Тургуновнинг жинойи қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, у ўз ёнида озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,82 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, 54-моддасида эса Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинланиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Б.Тургуновга нисбатан жазо тайинлашда, юқорида қайд этилган Қонун талаби ва Пленумнинг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва шахсини эътиборга олиб, унинг муқаддам судланмагани ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этиб, унга у айбланаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, 2025 йил 4 июль кунги 4547-сонли қвитанцияга асосан Ўзбекистон Республикаси ДХХ Фарғона вилоят бошқармасида сақланаётган, тадқиқот ўтказишдан қолган 0,62 (ноль бутун юздан олтмиш икки) грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилиниши лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-477-моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л Д И

Тургунов Бахтиёр Кадирович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Б.Тургуновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо ўз иш жойида ўтатилсин.

Жазони ижро қилиш Қўштепа туман ИИБ ПГ зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати у ишлаётган корхона хабарнома олган кундан ҳисоблансин.

Б.Тургуновнинг муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

2025 йил 4 июлдаги 4547-сонли қвитанцияга асосан Ўзбекистон Республикаси ДХХ Фарғона вилоят бошқармасида сақланаётган, экспертиза



тадқиқотидан қолган 0,62 (ноль бутун юздан олтмиш икки) грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи :

Р.Арапов

**Маъсул судья: Арапов Рахматжон Эргашович**

